SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 11-MART ■ SESHANBA ■ 30 (27.050) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

● ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МИЛЛАТ ҒУРУРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Озод овозимиз

ДУНЁ УЗРА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БЕТИМСОЛ ИСТЕЪДОДИ ОРҚАЛИ ЖАРАНГЛАМОҚДА

Истиқлол имкониятлари истиқлол истеъдодларини кун сайин кўпроқ кашф этмоқда. Озод овозимиз бутун жаҳон бўйлаб жаранглямоқда.

...Фортепианода куй янграмоқда. Мусиқа қалб туғёнларини, ёш юрак кечинмаларини ифода этаётир. Умид ниҳоли забардаст дарахтга айланиш, кўкка бўй чўзиш илинжида улғаймоқда.

***Беҳзод АБДУРАИМОВ** 1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1997 йилда В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейига ўқишга қабул қилинди. Бу ерда у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Попович раҳбарлигида фортепиано мутахассислигини қунт билан ўргана бошлади.*

Беҳзод Абдураимов 1999 йилда «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танлови ғолиби бўлди. Бу ёш юракни янги-янги синовларга етаклади. 2000 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган халқаро кўрик-танловда учинчи ўринни эгаллади. Унинг истеъдодини англаган мутахассислар ҳамда Маданият ишлари вазирлиги Беҳзодни ҳар йили икки марта Москва давлат консерваториясига сабоқ олишга юбормоқда. Профессорлар Лев Наумов, Елина Рехтерлар унинг келажакда қобилиятли мусиқачи бўлишига ишонч билдиришди.

Беҳзод 2001 йилда Италиянинг Парма шаҳрида болаларнинг ёзги халқаро фестивалида иштирок этганидаям мутахассислар унинг ижро маҳоратини юксак баҳоладилар.

2002 йил октябрь ойида Беҳзод ёш пианиночиларнинг Хитойда бўлиб ўтган танловида иштирок этиб, ҳайъат томонидан «Энг яхши мусиқачи» дипломига сазовор бўлди.

— Танлов пайти Хитойдаги газеталарда суратим чиқди, — дейди Беҳзод Абдураимов. — Улар устозларим, мактабим, Ўзбекистонимиз ҳақида кўп саволлар беришди.

Ҳозир янги дастур устида ишлаяпман. 18 март куни Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида концертда қатнашаман.

Эндигина 13 баҳорни қаршилаётган Беҳзод Абдураимов катта саҳна томон умидли қадамларни қўймоқда. Яқин келажакда яна бир ўзбек боласининг номи жаҳоннинг нуфузли саҳналарида жарангласа не ажаб. Унинг отаси — физика-математика фанлари номзоди, ихтирочи олим, марҳум Абдураззоқ Абдураимов ҳам шуни орзу қилган эди.

Оддий ўзбек оиласида мусиқа муаллими Гулсун Абдуллаева тарбиясида камол топаётган ёш истеъдод Беҳзод Абдураимов ўртага миллат ғурури, Ватан ифтихорига айланиб, дунёни лол қолдиришига умид қиламиз.

Фаррух ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Хомашё масаласи ҳамиша долзарб

Барқарор фаолият кўрсатаётган Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Янги йилнинг дастлабки икки ойида ҳам юқори натижалар қайд этилди. Шу вақт оралиғида 73 минг 243 тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 66 минг 264 тонна металл прокати етказиб берилди. Экспорт ҳажми ортди. Корхонани иккиламчи хомашё билан таъминлаш муаммоси ҳукумат доирасида ижобий ҳал этилаётгани ана шундай яхши натижалар бермоқда.

Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топшириш назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг Бекободда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу рақамлар алоҳида қайд этилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, худудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ўзбекистон улкан қурилишлар мамлакатига айланди. Ишлаб чиқариш иншоотлари, турар жой ва маъмурий бинолар, хусусан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этиш жадал бормоқда. Қурилиш материаллари — ғишт, цемент, металл прокати эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, металлургия корхонасининг бир маромда ишлаши қурилиш ҳажмини ўстириш, уни кенгайтириш имконини бермоқда.

Йиғилишда корхонани иккиламчи металл хомашёси билан таъминлаш бўйича ҳукумат топшириғи ортиғи билан адо этилгани қайд этилди. Мамлакатимизда корхонани хомашё билан таъминлаш имкониятлари барча ҳудудий бошқарув органлари томонидан фаол ишга солинди. Шу йилнинг биринчи мартига қадар металлурглар учун 105 минг тонна хомашё заҳира қилиб қўйилди.

Комиссия йиғилишида иккиламчи қора металл йиғиш ва қайта ишлашга топшириш борасидаги умумий аҳвол қониқарли деб топилди. Шу билан биргаликда бу борада зинҳор сусткашликка йўл қўймаслик, топшириқни ўз вақтида бажариш чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Н.ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири

● ЯНГИЛИК

Шоличилик учун дори

Навоий «Электрокимё» заводида янги «Номини» кимёвий препарати ишлаб чиқарилди. Японияннинг «Сумитома» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бу замонавий дори республика шоличилиги учун муҳим янгиликдир. Шоли бир текис униб чиққач ҳар гектарига атиги 80-100 граммдан сув билан оқизиладиган бу препарат ўнлаб ёввойи ўтларга қирон келтириш билан бирга шоли майсаларига зарур озуқа ҳам ҳисобланади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, «Номини» ишлатилган шолизорларда ҳосилдорлик 5-6 центнерга ошибгина қолмай, маҳсулот салмоғи ва сифати яхшиланган. Яна бир жиҳати бегона ўтлар йўқолган пайкалларда комбайнлар ўримига кенг йўл яратилади.

Ҳозирданоқ шоличиликка ихтисослашган Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошкент вилоятларидан бу препаратга кўплаб буюртмалар тушмоқда, — дейди корхона директори Бахтиёр Ботиров. — Биз буюртмалар асосида кимёвий моддани маълум бир миқдорда қадоқлаб ҳам бераяпмиз.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● ХУШХАБАР

ЎЗБЕК олимига АҚШ мукофоти

Ҳамюртимиз профессор Анвар Зоҳидов Америкада «Йилнинг энг яхши муҳандиси» мукофоти совриндори бўлди

Ушбу мукофот А.Зоҳидов билан бир қаторда илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган осиёлик ўн тўрт олимга ҳам насиб этди. Ўзбек олимининг номзоди у бир йилдан бери шартнома асосида ишлаётган Техас штати университети томонидан кўрсатилган. Унинг нанотехнологиялар соҳасидаги ишланмалари шу қадар салобатли эдики, нуфузли ҳайъат аъзолари ҳеч иккиланмай А.Зоҳидов номини совриндорлар рўйхатига киритдилар.

Бўлажак олим Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент техника университетини битириб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида ишлади, дунёнинг машҳур илмий марказларида маърузалар ўқиди ва изланишлар олиб борди. Япония ва Италия университетларида молекуляр физикадан дарс бериб, янги материалларни ўрганиш билан шуғулланди. Москвадаги Спектроскопия институтида илмий-тадқиқотлар устида ишлади. Ҳозирги кунда эса АҚШнинг етакчи илмий марказларидан бири — Даллас шаҳрида жойлашган Техас штати университетида илмий фаолият билан машғул. Ушбу университет аниқ фанлар, телекоммуникация, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш маркази ҳамдир. Профессор А. Зоҳидов Техас штати университети ҳузурида Нанотехнология институтига асос солди.

«Йилнинг энг яхши муҳандиси» мукофоти ҳар йили АҚШнинг кўплаб таниқли олимлари, Техас штати маъмурияти вакиллари ва журналистлар иштирокида топширилади.

Профессор Анвар Зоҳидов илмий ишининг тақдимоти мамлакатимиз тарихига бағишланган муқаддимадан бошланди. Техас штати университети ректори, профессор Хобсон Уилдентал Анвар Зоҳидов буюк Амир Темур мамлакати намояндаси эканлигини қайд этиш билан бирга, кўп асрлар бурун алгебра ва алгоритм қадимий Моваро-уннаҳр ўлкасида пайдо бўлганини ва Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний ва Улуғбек каби алломалар меросига самимий ҳурмат уйғотишини мамнуният билан таъкидлади.

Профессор А. Зоҳидов нанотехнологиялар соҳасида илмий изланишлар олиб боради. Нанометр микрондан минг маротаба кичик бўлган ўлчов бирлигидир. Нанотехнология эса материяни атом ва молекуляр даражада бошқариш тўғрисидаги фан ҳисобланади.

Назарий жиҳатдан ёндошганда, нанотехнология ёрдамида яратилган замонавий компьютернинг ҳажми 1 квадрат сантиметрдан ошмайди. Келажакда нанотехнологиянинг тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий ва бошқа қатор соҳаларда кенг қўлланилиши кутилмоқда.

Б. МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Даллас, АҚШ

● КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни

Ҳозирги давр қонунчилигида сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг турли хиллари, жумладан, умумий ва махсус, тўғридан-тўғри ва билвосита шакллари мавжуддир. Умумий (мақсадсиз) молиялаштириш — субсудиялар ажратиш сиёсий партиялар жорий фаолиятини тиклаш ва (партия аппаратини сақлаш, қурултой ва конференциялар ўтказиш, биноларга ижара ҳақи тўлаш, жиҳоз ва турли ускуналар олиш ва ҳоказолар учун) харажатларни қоплаш кўзда тутилади. Махсус молиялаштиришда партиялар фаолиятининг маълум бир йўналишларига (сайловлар компаниялари ўтказиш, парламент фракциялари фаолияти учун кабилар) субсудиялар ажратилади.

Фуқаролик жамиятлари барпо этилган мамлакатларда давлат томонидан умумий молиялаштиришнинг учта тизими амал қилади. Биринчи тизимга биноан, фақат парламентдаги ўринларни эгаллаган партиялар молиялаштирилади ва субсудиялар улар ўртасида мутаносиб равишда ёки улар эгаллаган мандатлар сонига қараб тақсимланади (Болгария, Бенин, Габон, Мозамбик), ёки ҳар бир эгалланган мандатга тенг миқдордаги маблағлар берилади (Дания, Финляндия). Иккинчи тизимга биноан, олдинги тизимга ўхшаб, фақат парламентда жой эгаллаган партиялар молиялаштирилади, лекин бунда субсудиялар партияларнинг сайловчилар томонидан олган овозларига қараб тақсимланади (Бельгия, Испания, Кипр). Учинчи тизимга мувофиқ, парламентда жой эгаллаганми ёки эгалламаганми, ундан қатъи назар, сайловларда иштирок этган барча партиялар давлат томонидан молиялаштирилади (Австралия, Греция, Германия, Франция, Чехия, Швеция ва бошқалар).

(Давоми 2-бетда.)

● ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Адолат қарор топди

Таҳририятимизга мактуб йўллаган адвокат Х.Юлдашева ўз ҳимоясига олган судланувчи Ж.Пиров жазодан озод этишга лойиқлигига етарли далиллар келтиришга ҳаракат қилган: «2002 йил 20 мартда Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича суди Пиров Жавдатни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» банди ва 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топиб, унга умумий муддати 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида 245 минг сўм жарима жазоси тайинлади»...

«Унинг шахси турар жойидан ижобий тавсифланиши, оилавий аҳволи, икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, айбига иқрорлиги ва пушаймонлиги, келтирилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги кўрсатилган бўлса-да... бундай енгиллаштирувчи ҳолатлар Пиров Жавдатга нисбатан жазо тайинлашда эътиборга олинмасдан ўта оғир жазо тайинланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Амнистия» тўғрисидаги Фармони қўлланмаган».

Биз яқинда ана шу мактубга Ўзбекистон Республикаси Олий Судидан жавоб олдик. Жавобни айнан келтирамиз.

«Адвокат Х.Юлдашеванинг Ж.Пировга оид суд қарорларидан норози бўлиб ёзган аризаси Олий Судда жиноят иши материаллари асосида текшириб чиқилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2003 йил 14 январдаги ажрими билан Пиров Жавдат Зайниевичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2002 йил 20 мартдаги ҳукми ва шу шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2002 йил 12 апрелидаги ажрими ўзгартирилиб, Ж.Пировга Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 5 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳамда 245 минг сўм жарима жазолари тайинланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги амнистия акти 2-моддаси татбиқ этилиб, Ж.Пиров жазодан озод этилганлигини маълум қиламан.

И. МАМАРАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раисининг ўринбосари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 11 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	593,17
1 Англия фунт стерлинги	1546,95
1 Дания кронаси	143,63
1 БАА дирхами	263,37
1 АҚШ доллари	967,33
1 Миср фунти	171,51
1 Исландия кронаси	12,61
1 Канада доллари	660,16
1 Хитой юани	116,87
1 Малайзия рингити	254,60
1 Польша злотийси	246,77
1 СДР	1338,75
1000 Туркия лираси	0,60
1 Швейцария франки	725,62
1 ЕВРО	1066,09
10 Жанубий Корея вони	7,89
10 Япония иенаси	82,82
1 Россия рубли	30,65
1 Украина гривнаси	181,33

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

● ЯНГИ ШЕЪР

ОНА

Бир умр ахтардим самимиятни
Ва уни оналар кўзида кўрдим.
Шоирлар хуш кўрган абадиятни
Она алласининг сўзида кўрдим.
Заминда кимгадир топинмоқчийдим,
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил, 8 март

Кулол туҳфаси

Маълумки, шу йилнинг кузида Ислом оламининг буюк намояндаси — жаҳон аҳлининг хожаси — Хўжаи Жаҳон мақомига эга бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Ана шу санани муносиб кутиб олиш учун номи хорижда маълум ва машҳур бўлган кулол, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, «Дўстлик» ордени соҳиби Ғиждувонлик Алишер Нарзуллаев ўз оиласи билан улуғ алломага бағишланган қатор санъат асарларини яратмоқда.

— Ғиждувонда бундан юз йилча илгари қадимий кўзагарлар кўп бўлган, — дейди уста. — Улар қўлида сайқал топган кўзалар ёзда ҳам, қишда ҳам одамлар жонига оро кирган. Чунки, сопол кўзаларда сақланган сув ҳеч қачон бузилмаган. Биз бугун ана шу кўзаларни тиклашга — ясашга киришдик.

Дарҳақиқат, ҳозир А.Нарзуллаев 50 хилдаги кулолчилик маҳсулотлари билан АҚШ, Германия, Франция, Япония кўргазмаларида қатнашмоқда. Абдулхолиқ Ғиждувоний юбилейи муносабати билан таниқли кулол ишлаб чиқараётган маҳсулотлар хили яна ўнтага ошадиган бўлди. Буларнинг аксарияти қадим Ғиждувонда ташкил этиладиган ўлкашунослик музейидан жой олиши табиийдир.

Даврон БАҲРОНОВ

BUSINESS BANK

Бизнес Банк

Энг яхши анъаналарда

«Йил мактаби» — Гулистонда

Республикамиз ўрта таълим даргоҳлари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий кўрик — «Йил мактаби» танлови ниҳоясига етди. Танловнинг энг юқори босқичига кўтарилган 14 таълим даргоҳи ўртасидаги синовда эса — Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга асосланган ихтисослашган мактаб-интернат жамоаси ғолиб чиқди. Гулистонликлар вилоят тарихида биринчи бор «Йил мактаби» номига сазовор бўлдилар.

Мазкур мактаб-интернатга бир неча йилдан бери тажрибали педагог Саодат Файзиева раҳбарлик қилади. Бу ерда ҳозир 300 га яқин ўқувчи таълим олмоқда. Ундаги ўқув-машғулот, таълим-тарбия соҳасидаги шароитларни кўриб республиканинг деярли барча вилоятларидан келган ҳамкасблар ҳавас қилишди. Мактаб-интернатда 14 та фан кабинети, 13 та турли тўгарак, 5 та клуб, 4 та спорт секцияси фаолият кўрсатади. Гулистонликлар ҳатто ўтган йили «Йил мактаби» номини олган тошкентлик ҳамкасбларини ҳам енгиб ўта олдилар. Энди гап — ана шу ютуқ тасодифий эмаслигини исботлаш ва уни қўлдан чиқармаслиқда.

Абдужалил УМАРОВ

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Германия Федератив Республикасида федерал ва Европа Иттифоқи структураларига доир сайловларда сайловчиларнинг 0,5 фоиздан кўп, ўлкаларга (яъни федерация субъектларига) бўлган сайловларда эса 1 фоиздан кўп, сайлов округларида эса 10 фоиздан кўп овоз олган барча партиялар давлат субсудияларини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин, субсудиялар ҳажми икки хил мезонлар билан аниқланади: партиянинг олган овозлари сони ва партия хусусий даромадининг ҳажми. Унга мувофиқ, партияларга ҳар бир олган овозлари учун бир марка миқдорида (5 миллиондан кўп овоз олган партиялар учун ҳар бир овозга 1,3 маркадан) маблағ берилади. Иккинчидан, партияларга ўз аъзоларидан олган бадаллар, жисмоний шахслар томонидан берилган хайрия ва ёрдам маблағларининг ҳар бир маркаси учун 0,5 маркадан давлат субсудияси ажратилади (бунда фақат 6 минг маркагача бўлган аъзолик бадаллари ҳисобга олинади).

Кўпчилик Европа мамлакатларида партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг бошқача турлари ҳам учраб туради. Масалан, Швецияда партия матбуотига, Нидерландияда партиялар томонидан тузилган маърифий ва тадқиқот институтларига, Австрия, Нидерландия, Германия ва Швецияда эса партиялар қошидаги ёшлар ташкилотларига давлат субсудиялари ажратилади.

Ўзбекистон: Фуқаролик жамияти сари

Ҳозир Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ташкил топган тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Лекин, ўтган давр давомида партияларнинг шаклланиш жараёнлари ўз ниҳоясига етгани йўқ. Уларнинг ҳанузгача жамият институти, мустақил ташкилот сифатидаги мақомга эришиш йўлидаги ривожланиши суст кечмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири партиялар ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ва иродаларини тўла ифодалаш даражасига кўтарила олмаганлигидир. Шунингдек, бу масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, жамиятда шаклланаётган ижтимоий табақалар ҳам ўз сиёсий иродаларини ва сиёсий манфаатларини партиялар воситасида ифодалаш тажрибасини эндигина ўрганиб келмоқдалар. Шунингдек, менимча мавжуд ҳар бир партия ўзининг алоҳида ижтимоий базаси бўлган ижтимоий қатламни эмас, балки жамиятдаги барча ижтимоий қатламларининг сиёсий иродасини ва сиёсий манфаатларини ифодалашга уриниши ҳам уларнинг шаклланиш жараёнлари чўзилишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, баъзи партияларнинг бошланғич ташкилотлари қайд этилган аъзоларига эга эмаслиги ҳам уларни мустақил ташкилот сифатидаги функцияларини бажара олмаслигига сабаб бўлмоқда. Ўзининг партия аъзоларига эга бўлган партиялардаги бошланғич ташкилотлар ҳам кўпинча фақат расмиятчилик фаолияти билан чекланиб, аъзолардаги партияга мансублик ҳис-туйғулари унчалик сезилмайди.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини кўтариш йўлларидан бири, ҳар бир партия ўз таянчлари бўлган ижтимоий табақаларнинг соф манфаат ва мақсадларини тўла ифода эта олиш қобилиятини ўстиришга боғлиқдир. Шунингдек, сиёсий партиялар ўзларининг таянч ижтимоий табақаларининг жамиятдаги ўрнини эгаллашлари, тўла шаклланишлари, ҳақиқий манфаатлар ва эҳтиёжларини ифода эта олиш даражасига кўтарилишлари учун тинмай фаолият кўрсатишлари талаб этилади.

Ҳар бир сиёсий партия мустақил сиёсий институт сифатида ўз ижтимоий базаси бўлган ижтимоий табақалар манфаатлари, дунёқараши асосида ҳаракат дастурларига эга бўлиши сиёсий плюрализмни шакллантириб, турлича қарашлар рақобати ва мусобақаси асосида фуқаролик жамияти шаклланиши учун замин тайёрлайди. Шунингдек, бу каби демократик тамойиллар мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга ижобий ва баракали таъсир эта олади.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда сиёсий партияларни демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш масаласининг нечоғлик аҳамиятли эканлиги Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида очиқ ва ойдин кўриниб турибди: **«Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар — буни тан олиб айтишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим».** Кўриниб турибдики, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий дастурини амлага оширишнинг муҳим ва асосий йўналишларидан биридир.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсатшунос

(Боши газетамизнинг 2003 йил 4-6 март сонларида.)

Маҳсулот: ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Миллий каштачилик — миллий фахр

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил февраль ойида бўлиб ўтган 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган мажлисида, — дейди Тошкентдаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятнинг илғор каштачиси Дилбар Саъдиева, — мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг салмоғи ва сифатига алоҳида эътибор берилди. Керак бўлса, ҳозиргача четдан келтирилаётган энг зарур маҳсулотларни ҳам энди ўз ҳудудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва бунинг учун барча тегишли шароитларни яратишга даъват қилинди.

Шу маънода, бизнинг корхонамиз жамоаси ҳам миллий каштачилигимиз анъаналарини давом эттириб, халқимизга ранг-баранг сўзаналар, палак, гулкўрпа, попоп, уй безаклари, ёдгорлик буюмлари, келин ва куёв либосларини тайёрлашнинг янги-янги режаларини белгилаб олди. Шу йилнинг дастлабки икки ойидаёқ 4 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Улар четдан олиб келинаётган бу тур буюмларга нисбатан ранг-баранг, чиройли, бежирим ва арзон ҳам. Ўзинг тайёрлаган маҳсулотнинг завқи ҳам бўлакча бўларкан...

Оддий ишчи, оддий каштачининг бу сўзларига изоҳнинг ҳожати йўқ. Рост-да, қўлдан берганга қуш тўймас, деганлардек, ташқаридан ташиб бозорни тўлдириб бўладими? Бошқалардан кам жойимиз борми? Ўзимизда ишлаб чиқарилса, «Ўзимизники, Ўзбекистонники!» деб фахрланишга не етсин...

✧ ✧ ✧

Суратларда: *корхонанинг чевар каштачиси Дилбар Саъдиева ва «Шарқ гули жилолари» деб ном олган буюмлар кўргазмасидан бир лавҳа.*

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

IVAX: «Енгил нафас» тақдимоти

Ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг қарийб 40 фоизида нафас йўллари хасталиклари учрайди. Нафас йўллари астмаси ва аллергия касалликларини даволаса бўладими? Тиббиётнинг ана шу долзарб муаммоларига бағишлаб пойтахтимизда ўзбек аллергологларининг тўртинчи илмий ихтисослаштирилган анжумани бўлиб ўтди. «Бронхиал астма ва аллергия: XXI асрда уларни даволаш ва олдини олиш стратегияси» мавзуидаги тадбирни халқаро анжуман деса ҳам бўлади. Боиси унинг ишида хорижлик кўпдан-кўп олимлар иштирок этдилар. Англиялик профессор Г.Кромптон, чехиялик профессор П.Бергквист шулар жумласидандир. Улар қизиқарли маърузалар билан чиқишди.

Маълумки, аллергия ва нафас йўллари хасталикларини даволашда турли муолажалардан, аэразол-ингаляторлардан кенг фойдаланилмоқда. Чунончи, АҚШнинг IVAX компанияси томонидан яратилган «Беклазон-Эко», «Саломол-Эко» каби дори-дармонлар бундай хасталикларни даволашда қўл келмоқда. Тошкент анжуманида IVAX корпорацияси томонидан яратилган «Енгил нафас» номли янги ингаляторнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Абдуғани СОДИҚОВ

ОАК бюллетени

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси «ОАК бюллетени»нинг 2003 йил 1-сони чоп этилди.

Олий аттестация комиссиясида 2003 йил 29 январдан 24 февралгача фан соҳалари бўйича эксперт кенгашларнинг йиғилишлари бўлиб ўтган эди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган 116 та ихтисослашган кенгашнинг 2002 йил ва охирги 3 йиллик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботлари юзасидан таҳлилий материаллар ва таклифлар ўрин олган.

Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашда демократия ва ошкораликни кучайтириш мақсадида ихтисослашган кенгашларда бўлиб ўтадиган диссертациялар ҳимоялари тўғрисида эълон бериб боришга қарор қилинди. Ушбу сонда биринчи маротаба докторлик ва номзодлик диссертацияларининг ҳимоялари ҳақидаги ахборотлар берилди.

Ихтисослашган кенгашлар томонидан ОАК Низомлари талаблари мукаммал бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш мақсадида ОАКда процедура масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди. Ушбу комиссиянинг қарорларига асосан ОАК Низомлари талабларига риоя қилинмай ОАКга юборилган аттестация ишларига рад жавоби берилмоқда. Бюллетенда шундай ишлар ҳақида ҳам ахборотлар берилган.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ТАРАДДУД

Айём арафасида

Наврўз айёмига тайёргарлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш учун Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Жумладан, Каттақўрғон шаҳрининг кўча ва маҳаллаларида жами 85 минг тупдан зиёд кўчат экилди. Шундан 40 минг 30 донаси манзарали, 8 минг 842 донаси мевали, 21569 донаси эса гул кўчатларидир. Бундан ташқари шаҳардаги педагогика, иқтисодиёт коллежлари ва мактабларда 56 минг туп гул кўчатлари экиш учун тайёрлаб қўйилди. Бу ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Ҳашардан тушган маблағлар «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

Ўткир ПЎЛАТ

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«АРАВА» жойидан қўзғалди, бироқ...

«ЖИЗЗАХГЎШТСУТСАНОАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАРДА КИМЛАРНИНГДИР АЙБИ БИЛАН ПАЙДО БЎЛГАН МУАММОЛАР САБАБЛАРИ... ВА БУГУН БУ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШ ОСОН КЕЧМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Кўп эмас, бундан 5-6 йилча олдин «Жиззахсут» ҳиссадорлик жамиятида бўлганимда амалга оширилаётган ишларни кўриб, рости, ҳавасим келганди. Ўшанда қарийб икки юз кишилик жамоанинг бир кеча-кундузда 120-130 тонна сутни қайта ишлаб, йигирма хилдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётганига гувоҳ бўлгандим. Ёғли сут, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, казеин, музқаймоқ, сарёғларнинг бозори чаққон эди.

Энди-чи? Бир ойча муқаддам корхонага йўлим тушди. Каттагина корхонада қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бамисоли эгаси кўчиб кетган уйдай ҳувиллаб ётибди. Эшик-деразалари кўпориб олинган ёрдамчи бинолару, уюлиб кетган чиқиндилардан кўнгил ноҳуш тортади.

— Завод ишлаяпти. Директор келса келади, келмаса йўқ. Мен ҳам номига турибман. Ойлик беришмагандан сўнг шу-да, — деди қоровул хуноб бўлиб.

Анча кутишга тўғри келди. Қоровул билан гурунглашдик. Учинчи чойнакнинг таги кўринай дегандиям, директор кўринди.

— Кеча Тошкентда эдим. «Нестле» қўшма корхонасидан пулини бир ой ичида тўлаб бериш шарти билан 10 тонна қуруқ сут олиб келмоқчимиз. Шунга боргандим. Кеч қайтдим. Ҳозирча битта кичик цехимизда 10-12 киши ишлаяпти. Аҳолидан кунига 100-150 килограммча сутни амал-тақал қилиб олиб турибмиз. Музқаймоқ тайёрлаяпмиз. Қолган ишчи хизматчиларимиз мажбурий таътилда. Сут йўқлигидан шундай қилдик. Насиб этса, 5-10 кунда корхона ишга тушиб кетади, — деди у.

Равшан Каримовнинг «Жиззахсут» ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасида ишлаётганига кўп бўлмаган экан. Унгача санацияга тортилган корхонанинг ташқи бошқарувчиси икки марта алмашибди. ***2001 йилда бинойидек ишлаб турган ва йилни 900 минг сўм фойда билан якунлаган корхона ўтган йили деярли фаолият кўрсатмабди. 5 миллион 620 минг сўмлик 56200 дона акция эгалари бир неча йилдан бери девиденд деган нарсани билишмаскан.***

— Кейинги тўрт йилда сут заводида раҳбар беш марта ўзгарди, *— деди ўзини раис муовиниман деб таништирган йигит. — Бошлиқлар келиб кетаверадию, аҳвол ўзгармай қолаверади. Натижада бир вақтлар Жиззахдаги кўзга кўринган корхоналардан ҳисобланган завод энди «чўкиб» қолди. Гарданидаги муддати ўтган қарзлар 60 миллион сўмдан ошиб кетди.*

Янги раҳбар келгач, имконият қидирди, елди-югурди ва 40 миллион сўмга яқин қарзларни тўлашнинг иложини топди. «Ҳаракатда — баракат» деганларидай музқаймоқ тайёрлайдиган Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасиниям ишга туширди. Шунга қарамасдан корхонанинг молиявий аҳволи ҳамон ночорлигича қолмоқда, йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимини топиш қийинроқ кечмоқда.

Кўпчиликнинг эътиборича, бу муаммоларнинг энг асосийси — хомашё базасининг йўқлиги. 1997-1998 йилларда 4 минг бошдан кўпроқ қорамол, 3 минг бошга яқин чўчқа, 11 минг бошдан зиёд қўй-қўзиси бўлган ушбу тизимга қарашли хўжаликларда айни пайтда чорва моллари йўқ ҳисоби. Масалан, Бахмал туманидаги «Турон», Зомин туманидаги «Юксалиш», Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол», Дўстлик туманидаги Ойбек номли хўжаликларда бугун бирон бош ҳам қорамол қолмаган. Бундай шароитда аҳолидан ва фермерлардан сут сотиб олишни ташкил қилиш йўли билангина вазиятдан чиқиш мумкин. Корхонада 2003 йилда нақд пулга ва пул ўтказиш орқали сут харид қилиш бўйича ўттиздан зиёд фермер ҳамда жисмоний шахслар билан шартнома тузилди. Афсуски, айланма маблағнинг камлиги, тўлов қобилиятининг заифлиги ишнинг юришиб кетишига тўғаноқ бўлди.

Тизимдаги бошқа бир корхона — «Жиззахгўшт» ҳиссадорлик жамиятида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. 1997 йилда 150-160 киши ишлаган катта комбинатда эндиликда бор-йўғи — 20-25 киши хизмат қилаётгани вазиятни ойдинлаштириб турибди. Ўша кезларда бир кеча-кундузда 30-35 тонна гўшт тайёрланиб, 1,5-2 тонна колбаса ишлаб чиқарилгани ҳолда ҳозир гўшт тайёрлашнинг 2-2,5 тоннага тушиб қолганини, колбаса ишлаб чиқаришнинг эса бутунлай тўхтаганини қандай изоҳласа бўлади?

— Ишга келган пайтимда корхона қулоғигача қарзга ботган экан, — деди ҳиссадорлар раиси Қўчқор Турдиев. — Ишладик, изландик, кредит олдик, уни фойдадан қопладик, ишқилиб, қарздан қутилдик. Энди одамларимизга иш ҳақи бераяпмиз. Ўтган йили 432 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқардик, 768 минг сўм фойда кўрдик. Корхонанинг аввалги шуҳратини тиклашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. ***Бунинг учун технологияни янгилашимиз зарур. Айтайлик, ишга яроқсиз ҳолга келиб қолган колбаса тайёрлаш линиясининг ўрнига биринчи ярим йилликда Россиядан янги линия олиб келмоқчимиз.*** *Бундан ташқари, шаҳарда гўшт маҳсулотлари билан савдо қиладиган махсус дўкон очишни мўлжаллаяпмиз. Йил охиригача яна хориж инвестициясини жалб қилиш ҳисобига жунни қайта ишлайдиган линияни ишга тушириш бўйича ставрополлик ишбилармонлар билан музокаралар олиб боряпмиз.*

Корхонанинг бизнес-режасида бу йил 500 тонна гўшт ва 200 тонна колбаса тайёрлаш, 1,2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, 2,6 миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутилган. Қушхоналарда иш бир маромда давом этаяпти. Булар бари яхши, албатта. Бироқ, Рашид Отамуродов, Ҳасан Мавлонов, Саврон Райимқулов сингари акциядорлар билан суҳбатлашганимизда улар вилоят миқёсидаги айрим мутасаддиларнинг дурустгина ишлаб турган, ***энг ташвишлиси, корхонанинг қадди-бастини тиклашга уринаётган ҳиссадорлар жамияти раҳбарини акциядорларнинг розилигисиз ишдан бўшатиб, ўрнига бошқа бировни қўйишга уринаётганликларидан норози бўлиб гапирдилар.*** *Улар бундай хатти-ҳаракатлар жамоада носоғлом муҳитни юзага келтириши, кўп йиллик «танафус»дан сўнг энди-энди қўли ишга ўрганаётган ишчиларни яна ишдан совутиши мумкинлигидан ташвишда эканликларини билдирдилар.*

— «Гўштсутсаноат»даги бу каби кишини ўйлантирадиган ҳолат ўз-ўзидан, бирданига пайдо бўлиб қолмаган, — деди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси чорвачилик бўлими бошлиғи Азизқул Ҳазратқулов. — Аввало, гўшт ва сут етиштирадиган базаларда аҳвол ташвишли тус олди. Чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш жараёнида ***кимларнингдир айби билан «кимошди» савдоси орқали сотилган 39 та ферманинг айримлари мутахассис бўлмаган, чорвадан бехабар кишилар қўлига ўтиб кетди. Масалан, Зарбдор туманидаги битта фермани милиция ходими, Мирзачўл туманида эса мусиқа ўқитувчиси сотиб олди. Ўз-ўзидан равшанки, бу фермаларда бир неча йил ичида моллар бош сони кескин камайди, насли бузилди, маҳсулдорлиги пасайди. Бора-бора уларда умуман мол қолмади. Сўнг навбат молхона ва ёрдамчи биноларга келди шекилли, уларни ҳам кимлардир бузиб олиб, ташиб кета бошладилар.*** *Жамоат чорвасидан путур кетди. Моллар асосан аҳоли қўлига ўтиб қолди. Гўшт комбинати ва сут заводидагилар эса бундай шароитда ишлашга тайёр эмас экан. Боз устига ушбу корхоналарда раҳбарларнинг ҳудабеҳуда алмаштирилавергани ҳам ишнинг белига тепди. Раҳбар алмаштириш жараёнида кечган турфа хил ҳангомалару, «ўйин»ларни айтмайсизми? Оқибати эса кўриб турганингиздай.*

Бугун ҳар иккала корхонадаги мавжуд асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, носозлиги, бир маромда ишлаш ва маҳсулот сифатини таъминлашга имкон бермаётганлиги бор гап. Меҳнатда унум, ишда қўним, барака бўлмагач, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида жиддий етишмовчиликлар юзага келаётир.

Алқисса, бундан 4-5 йил олдин корхоналарда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мулк шакли ўзгартирилиб, улар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган бўлса-да, аслида иш янгича эмас, эскича олиб борилди. Ислоҳотлар номига, хўжакўрсинга ташкил этилди. Оқибатда, акциядорларда мулкка эгалик ҳисси етарлича шаклланмади, одамларнинг меҳнатга иштиёқи сусайди, қўлларидаги акцияларнинг даромад келтиришига ишончлари сўнди. Ҳаммаси бир бўлди-да, «Жиззахгўштсутсаноат»да ишлар олдинга эмас, орқага кетди.

...Мақолага сўнгги нуқта қўйиш арафасида «Жиззахгўштсутсаноат» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида бўлдим. Бу ерда янги раҳбар иш бошлабди. Кўп йиллар шу соҳада хизмат қилган тажрибали мутахассис Аҳмад Бўронов бирлашманинг бир пайтлардаги мавқеини тиклаш учун енг шимарган. Дарвозадан кириб-чиқаётган одамларнинг кўтаринки кайфиятларини кўриб, олдинга силжиш бўлганини сезиш қийин эмас. Бундай шароитда уларни қўллаб-қувватлаш, мадад бериш лозим бўлади, албатта. Буни вақтида илғаган вилоят ҳамда шаҳар ҳокимликлари ҳам тизимдаги корхоналарга имкон қадар кўмак беришга киришибди. Хусусан, ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиниб, уларда ҳозирча 300 бош қорамол ва 1000 та қўй боқилмоқда. Йил охиригача қорамолларни 1000 бошга, ушоқ молларни 3000 бошга етказиш тадбирлари кўрилаяпти. Моллар учун яйловга деб, ер майдонлари ажратишни ҳам ҳокимлик назоратга олди. Фермерлар ва аҳолидан харид қилинаётган гўшт ва сутнинг ҳақини вақтида тўлаш учун ҳиссадорлик жамиятларига айрим имтиёзлар бериш, уларнинг тўлов қобилиятини яхшилаш масаласи кун тартибида турибди.

Ҳартугул, бу сафар корхонадан унинг эртанги кунига умид ва ишонч билан қайтдим. Нима бўлганда ҳам, йиллар давомида тўхтаб қолган «арава» жойидан қўзғалибди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● ЭҲТИРОМ

Баҳорнинг ажойиб кунида

Ёмғир ёғаяпти. Дераза қанотини очиб қўйдим. Ташқаридан, боғ қўйнидан уйғонаётган замин, баҳорнинг муаттар нафаси кириб келди. Ёмғирнинг шиғалаб ёғиши, куртак отаётган новдалардан товланиб томчилаши руҳимга сокин бир илиқлик олиб киради. Ер кўк отган. Майсалар намгарчиликда янада ям-яшил кўринади. Ёғингарчилик бўлишига қарамай, совуқнинг заҳри йўқ, аёз чекинган — тоғлар ортига ўтиб кетган...

Ана шундай серёғин, файзли, боғлар титроққа кирган паллада осмоннинг қуюқ, қора булутларига боқиб, заминдаги ҳаёт риштасини кўкнинг ёмғирлари, кўк булутлари билан боғлаган қудратли бир куч бор, деб ўйлайман. Ҳали замон борлиқ мана шу тириклик, гулу гўзалликка бурканади.

Мана шу боғлардан гул оқади. Ана шунда бу ҳаётда яшагинг келади ва ўйлайман, табиат қонунияти худди инсоннинг ўй-кечинмаларига мос равишда яралганга ўхшайди. Осмон ерга интилади — ёмғир бўлиб, қор бўлиб тўкилади, ерга бағрини очади, замин ҳам кўкка талпинади. Кўксида очилган гулларни, илдиз отиб бўй чўзган майсаларни, дов-дарахтларни осмонга тутади — осмонга қўл чўзади. Бу ҳолат гўё эркакнинг аёлга талпинганига, аёлнинг эркакка интиқ бўлиб қўл узатганига ўхшайди. Аёлнинг қўли гул бўлиб, дов-дарахт — ризқ бўлиб чўзилади кўкка.

Ҳаёт, ташқаридаги баҳор яна алланечук ҳолда ёшлик завқи, муҳаббатли онларнинг оғриқ ва эҳтиросларини юрагимга қайтаргандай бўлди.

Муҳаббат ҳақидаги ҳамма китобларни ўқисанг, муҳаббат бобидаги барча яхши киноларни кўрсанг, юрагинг жизиллайди. Гўзал туйғуларинг олов олгандай бўлади. Ўтган йили улуғ шоир Расул Ҳамзатов менга: ***«Муҳаббат ҳақида яхши бир қисса ёз. Ахир севгансан-ку! Муҳаббат мавзуси ўлмаган, ўлмайди ҳам, одамни яшашга, ҳаётни севишга ундайди, тарбиялайди...»,*** *деганди. Ҳа, шундай. Аёл, сиз менга яшашни, севишни ўргатдингиз. Ишонасизми, қандай ёруғ ўйлар дилимдан кечмасин, қандайин гўзал манзараларни ёдга олмайин, елкам оша сиз қараб тургандай бўласиз, руҳим осмонидан сизнинг нигоҳингиз энг ёрқин юлдуздай чарақлаб туради. Майли, менинг ёзганларимни ҳеч ким ўқимасин, мен ҳақимда ҳеч ким ўйламасин — биргина сиз учун, сизнинг юрагингизда ўзимнинг пайдо бўлишим, менинг ёдим дилингиздан ҳеч қачон ўчиб кетмаслиги учун ҳам мен ёзаман, тунни тонгга улайман, агар кўнгилнинг изҳори шеър деб аталса, Сизни, сизнинг гўзал чеҳрангизни, борлиғингиз, жони-жаҳонингизни куйлайман. Гоҳида бу дунёнинг кир-чир ўйинлари, майда-чуйда ғийбатлари, фиску фасодлари юрагимга оғриқ солган кезлар, кайфиятим ер билан битта бўлиб қолади. Қўлим ишга бормайди. «Мен сенга нима ёмонлик қилдим, ҳаёт... Нега бағритошлик қиласан?!» деган ўкинч билан ўзимни синиб, тўкилиб бораётгандай ҳис қиламан. Бу дунёдан кўнгилга ёруғлик олиб киражак тушунчаларни ахтара бошлайман. Шунда туйқус кўз ўнгимда сиз пайдо бўласиз. Зимистонлик бирдан чароғон тортади — кўнгил зиндонида офтоб чарақлайди. Вужудимга куч-қудрат инади, шууримда чақмоқ чаққандай бўлади. Аёл, шунчалар буюк қудратга эгасиз.*

Аёл, дунёнинг буюк даҳолари, улуғ саркардалари, генераллар, шоҳлар, подшолар сизнинг қаршингизда бош эгади. Муҳаббат ҳаққи-ҳурмати шундай. Тарих гувоҳлик беради, сизнинг бир имо-ишорангизга бу дунёи-дун эврилган. Бир табассумингиз туфайли эркакнинг ҳаётига мазмун инади. Олам — чаман. Кўча-кўй — гулзор. Эркак ортидан қарсиллаб ёпилган эшик, аёл қаҳри уфурган хонадон Худо кўрсатмасин, дўзахдан фарқ қилмайди. Ҳа, эркакни синдириш жуда осон, аммо уни авайлаш, ҳаётини шавқу завққа тўлдириш ҳам биргина сизнинг қўлингизда.

Яхши-я! Сизнинг борлигингиз ҳаёт қадар қайноқ, ҳаёт қадар жозибали эрур, аёл!

...Дераза раҳида бир даста бойчечак титрабгина турибди. Мен уни бағрида беғубор онларим кечган, бошимни силаб бошпанам бўлган онажоним — сизга, юрагимнинг қудрати бўлган, ҳаётим моҳияти бўлган севгилим — сизга, муштипар, акасининг кўз қароғи бўлган синглим — сизга, ҳаётимнинг ёниқ чироғи, нурли изим бўлган қизим — дадасининг эркатойи — она қизим сизга атадим. Дераза раҳидаги бойчечакни дунёдаги барча аёлларга атадим. Бойчечак — баҳорнинг элчиси, севган кўнгил титроғининг табиат тилидаги инжиқ ифодаси. Бойчечак — ошиқ ернинг, бағрига ёмғирларини тўккан осмонга кўнгил бойлаган ернинг бағрида муҳаббат элчиси тимсолида бўй чўзади. Гунча очиб, баҳорнинг кулгуси бўлиб жаранглайди, ай, бу дунёни бойчечак уйғотиб юборади. Ана шу уйғоқ гул, титроқли гул сизга ҳадя, Аёл!

Дераза раҳида бойчечак эгилаяпти. Бойчечак титраяпти. Ташқарида ёмғир. Ташқарида менинг ўйларим ёғмоқда. Менинг бағримда чиройли гуллар очиляпти. Аёл, сиз гулсиз. Сиз менинг бағримда очилган гулсиз. Баҳорнинг жозибаси эса, такрор айтаман, сиз туфайли.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

● УЧРАШУВ

Мақсадимиз — ёшлар маънавиятини юксалтириш

Ўзбекистон телеканалининг «Қизлар давраси» кўрсатуви катта-ю кичикка манзур бўлиб келмоқда. Ўзбек қизлари истеъдодини намойиш этаётган мазкур кўрсатув ижодкорлари айни кунларда қизғин ижодий изланишда. Мухбиримиз кўрсатув бошловчиларидан бири Барчиной ХЎЖАЕВА билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Барчиной Ҳабибовна, «Қизлар давраси» кўрсатуви ўз мақсад ва йўналишига эга дастурлардан бири. Айтинг-чи, мазкур кўрсатувни қайта ташкил этиш жараёни қандай кечганди?

— Бундан 25 йил муқаддам телевидение орқали намойиш этилган «Қизлар давраси» кўрсатувини қайта ташкил этиш борасида мухлислардан кўплаб таклифлар тушди. Биз ижодий жамоамиз билан маслаҳатлашиб, кўрсатув устида иш бошладик. 1997 йилда телевидение орқали илк бор «Мен ўзим...» номи билан намойиш этилган ушбу дастур томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Танловга турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган қизлар саралаб олинди. Кўрсатув нафақат Тошкент шаҳри миқёсида, балки мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳам тайёрланди. Мақсадимиз ана шундай кўрсатувлар орқали ёшлар маънавий дунёсини бойитишдир.

Эътибор берган бўлсангиз, танловда етти нафар қиз иштирок этади. Чунки етти хосиятли рақам бўлиб, бу таклиф ижодий жамоамиз ва иштирокчиларга ҳам маъқул бўлган.

Танлов шартлари бўйича қизлар асосий касбларидан ташқари адабиёт, санъат ва спортдан ҳам хабардор бўлишлари шарт. Бундан ташқари томошабинларнинг таклифларини инобатга олиб, қизларимизни уйрўзғор юмушларида ҳам синашни лозим деб топдик. Чунки оилада уларнинг бўлғуси она ва саранжом-саришта уй бекаси бўлишлари ниҳоятда муҳим. Бир сўз билан айтганда, минглаб томошабинлар нигоҳида иштирокчиларимиз нафақат ўз қобилиятларини намойиш этишлари, балки бошқаларга ҳам муносиб ўрнак бўлишлари лозим.

— Кўрсатувни тайёрлаш жараёнларида эсингизда қолган воқеалардан бирортасини айтсангиз...

— Танлов ғолиблигини қўлга киритган қизларимиз билан биргаликда 2000 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигида Италияда бўлдик. У ерда ўн йилдан бери ўтказиб келинаётган «Ёшлар фестивали»да иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлдик. Қизларимизнинг ўзбек тилидан ташқари, хорижий тилларда бемалол гаплаша олишлари, очиғи инглизлару французларни ҳам лол қолдирди. Ўзбек қизларининг хорижлик тенгдошлари билан ҳар томонлама баҳсга кириша олишига, уларда билим ва салоҳиятнинг юксаклигидан, тўғриси, ич-ичимдан фахрланганман.

— Негадир кейинги пайтларда кўрсатувни сиз эмас, бошқа қизлар олиб боришаяпти?

— Икки соатга яқин намойиш этиладиган бу кўрсатувни тайёрлаш жараёни кўп вақтни талаб этади. Ҳозир бошқа жойда ишлаётганим боис, кўрсатув тайёрлашга вақтим ва имконим бўлмаяпти. Шунга қарамай, кўрсатув ижодий ходимлари билан ҳали ҳам ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб бораяпман. Ҳозирги кунда «Мусиқий учрашувлар» кўрсатувини тайёрлаб, намойиш этяпмиз.

— Сиз кўп аёллар билан ҳамсуҳбат бўлгансиз. Шу боис бир савол бермоқчиман, ҳозирги кунда баъзи аёлларимиз тўй ва маросимларни ўтказишда дабдабабозлик ва ортиқча харажатларга зўр беришаяпти. Бундай ҳолатларга муносабатингиз?

— Афсуски, бундай ҳолатларга ўзим ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганман. Баъзи аёлларимиз тўй ва маросимларни кимўзарга ўтказишаётгандай назаримда. Қарз кўтариб тўй қилишдан кўра, икки томон келишиб иш тутса, яхши эмасми? Бундай шодиёналар ихчам ва содда нишонланса яхши бўлар эди. Келин ва куёвнинг бахти сеп ёки дабдабали тўй ўтказиш билан белгиланмайди-ку.

— Ўзбекистон хотин-қизларига тилакларингиз...

— Куни кеча байрам муносабати билан Юртбошимиз хотин-қизларимизга йўллаган табригида дил-дилимизни қувонтирадиган гапларини айтдилар. Мен барча оналарга фаровонлик, хонадонларига чароғонлик тилайман. Мамлакатимиз қудратини жаҳонга таратувчи ворислар камолоти йўлидаги беқиёс меҳнатлари янада баракали, серунум бўлсин. Уларга оилавий бахт, хотиржамлик ва саодатли умр тилайман.

Суҳбатдош: Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

«НОН-НЕЪМАТ» ОАЖ БОШҚАРУВИ

акциядорларининг 2002 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши шу йилнинг 10 апрель куни соат 10..00 да Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 472-манзилда ўтказилишини маълум қилади.

Рўйхатга олиш 8.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Нон-неъмат» ОАЖнинг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳақида бошқарувнинг ҳисоботи.
2. 2002 йил натижалари бўйича аудиторлик ва тафтиш комиссияси текширувлари якунларини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг соф даромадини тақсимлаш, унинг миқдори ва дивидендларни тўлаш ҳақида.
4. ОАЖнинг Низом жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонига кўра белгилаш ёки қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиш.
5. Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.
6. 2003 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил учун аудиторини тасдиқлаш.

Мажлис иштирокчилари рўйхатдан ўтиш учун шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат (паспорт)ни кўрсатишлари зарур.

Акциядорнинг вакили эса нотариус томонидан тасдиқланган ишонч ёрлиғини кўрсатади.

Маълумот учун телефон: 65-95-40.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

● «ТАШАББУС-2003»

«Осиё» — танлов ғолиби

Навоий вилоятида тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус» танловини ўтказиш тобора анъанавий тус олиб бораяпти. Яқинда вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Биржа маркази» биносида «Энг яхши тадбиркор, фермер ва ҳунарманд» анъанавий «Ташаббус-2003» кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов ғолибларини аниқлашда хорижбоп, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати, қобилиятлари, билим даражасига алоҳида эътибор берилди.

Айниқса, фермерлар ўртасидаги баҳслар муросасиз ўтди. Навбаҳор туманидаги И.Қозақов раҳбарлик қилаётган «Осиё» фермер хўжалиги эришаётган ютуқлар кўпчиликнинг эътиборига тушди ва танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлди. «Консигнатор» ишлаб чиқариш, тижорат савдо ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш фирмаси (раиси Раҳмат Муҳаммадов) «Энг яхши тадбиркор» совринини олди. «Энг яхши ҳунарманд» мукофоти ҳунармандчиликда миллий руҳ ва халқ анъаналарини сақлаб қолганлиги учун навоийлик Д.Логуповскийга берилди.

Танлов охирида вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг нашри «Қизилқум тадбиркорлари» газетасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Абдимутал НОРБОЕВ

Информация о проведении общего собрания акционеров ОАО «ТАШКЕНТ ГУРУЧ»

Наименование общества — ОАО «Ташкент гуруч»
Местонахождение общества — г. Ташкент, ул. Мухтара Ашрафи, 106
Дата проведения — 11 апреля 2003 г., время — 10.00.
Место проведения собрания — актовый зал ОАО «Ташкент гуруч»
Дата закрытия реестра акционеров — 7 марта 2003 г.

ПОВЕСТКА ДНЯ СОБРАНИЯ:

1. Утверждение отчета и протоколов заседания Наблюдательного Совета.
2. Утверждение отчета о финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2002 года и бизнес-плана на 2003 год.
3. Утверждение годового бухгалтерского баланса.
4. Утверждение акта ревизионной комиссии.
5. Утверждение отчета по ценным бумагам.
6. Утверждение заключения аудиторской проверки.
7. Утверждение аудитора общества «Глоба аудит» на 2003 год.
8. Оценка деятельности Председателя совета правления по итогам 2002 года.
9. Утверждение Председателя совета правления.
10. Создание фонда оборотных средств.
11. Приобретение обществом собственных размещенных акций.
12. О распределении прибыли по итогам 2002 г., порядке и сроках выплаты дивидендов.
13. Утверждение положений общества
— об общем собрании акционеров
— о Наблюдательном совете
— о исполнительном органе
14. О поощрении членов Наблюдательного совета по итогам 2002 года.
15. Выборы нового состава Наблюдательного совета на 2003-2008 г.
16. Внесение изменений и дополнений в устав акционерного общества.

БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС

№	Наименование показателей	Значение показателя (тыс. сум)
1	Долгосрочные активы	917240
2	Оборотные активы Всего активов	8063389 8980629
3	Источники собственных средств в т.ч. уставный фонд	48667
4	Обязательства Всего по пассиву баланса	7859321 1121308

ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ

№	Наименование показателей	Значение показателя (тыс. сум)
1	Выручка от реализации продукции (работ, услуг)	38338362
2	Финансовый результат (прибыли или убытки) от общехозяйственной деятельности	352348
3	Чистая прибыль (убыток) за отчетный год.	192257

Аудиторская проверка финансово-хозяйственной деятельности проведена независимым аудитором фирмы «Глоба аудит», лицензия №00190 от 05.09.2001 г. Акционеры могут ознакомиться с информацией (материалами), подлежащей представлению акционерам при подготовке общего собрания в Наблюдательном совете по адресу: г. Ташкент, ул. М. Ашрафи, 106.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

Сайловлар учун 7,8 миллиард рубль

Шу йил декабрда давлат думаси депутатлигига ва келгуси йил мартда мамлакат президентлигига бўладиган сайловлар учун Россия ҳукумати бюджетдан 7,8 миллиард рубль маблағ ажратди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Ольга Застрожной сўзларига қараганда, ажратилган маблағнинг 3,5 миллиард рубли дума депутатлигига сайловлар учун бўлса, 4,3 миллиард рубли президент сайловлари учундир. Бу ўринда, дейилади ПРАЙМ-ТАСС ахборотида, иккинчи тур сайловлар бўлиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олинган. Умуман, 2003 йил бюджетидан Марказий сайлов комиссияси фаолияти учун 9 миллиард 825,8 миллион рубль ажратилиши кўзда тутилган.

Вазифани бажаришга киришди

Яқинда Чехияда бўлиб ўтган президентлик сайловларида кўп овоз олиб, мамлакат раҳбарлигини қўлга киритган Вацлав Клаус ўз вазифасини бажаришга киришди. 61 ёшли Вацлав Клаус собиқ Президент Вацлав Гавелдан кейин мамлакатни бошқараётган иккинчи президент ҳисобланади.

У либерал иқтисодчи, Европа глобаллашуви тарафдори, Чехия ҳукуматини 1997 йилгача бошқарган, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Бошпана сўрамаган

Ироқнинг Москвадаги элчиси Аббос Халафнинг баёнот беришича, дейилади «Эхо Москвы» тарқатган ахборотда, Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн Белорусиядан сиёсий бошпана сўрамайди. «Саддам Ҳусайннинг гоҳ Ливиядан, гоҳ Белорусиядан сиёсий бошпана излаётганлиги ҳақидаги гап-сўзлар қуруқ овозалардан бошқа нарса эмас, — дейди элчи. — Ироқ раҳбари мамлакатни тарк этмоқчи эмас».

Словакия. 1550 йилда қурилган Спис музейи.

Элчихона ёпилди

Болгария ўзининг Бағдоддаги элчихонасини ёпди. Элчихонанинг барча ходимлари яқин кунларда мамлакатдан олиб чиқиб кетилади. Болгария Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг Reuters журналистларига берган интервьюсида айтилишича, Болгария элчихонасига нисбатан содир этилиши мумкин бўлган террорчилик актидан эҳтиётланиш учун шундай қилинган. Негаки, АҚШнинг Ироққа нисбатан муносабатини Болгария қўллаб-қувватламоқда.

Шунингдек, Япония Ташқи ишлар вазирлиги ҳам ўз дипломатларига Ироқдан чиқиб кетишларини буюрди. Мазкур чақириққа кўра, Японияннинг тўрт дипломатидан 2 нафари Ироқдан чиқиб кетди. Қолган икки нафари эса яқин кунларда мамлакатни тарк этади.

Фақат хавфсизликни таъминлаш учун

Американинг Equity International тадқиқотлар компанияси мутахассислари турли давлатлар бюджетларини таҳлил этиб, қуйидаги хулосага келдилар: кейинги пайтда давлатларнинг ички хавфсизлигига эътибор кучайиб бормоқда.

Equity Internationalда чоп этилган маълумотларга кўра, дунёнинг 156 мамлакати фақат ўзининг ички хавфсизлиги учун бу йил 550 миллиард доллар маблағ ажратган. Мутахассисларнинг айтишларича, дунё иқтисоди пасайиб бораётган бўлишига қарамай кейинги 2 йилда хавфсизлик харажатларининг даражаси юқори бўлади. 2005 йилга бориб эса харажатлар учун 572 миллиард доллар ажратилади.

АҚШ бу йил ички хавфсизлик учун 55,6 миллиард доллар ажратган бўлиб, бунинг 41,3 миллиарди федерал бюджетдан, қолган қисми эса штатлар маъмурияти ва маҳаллий маблағлар ҳисобидан қопланади, дейилади Equity International маълумотномасида.

Умуман, 1998 йилдан 2000 йилгача барча мамлакатларда хавфсизлик учун харажатлар йилига 0,1 фоиздан ошган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилдан 2002 йилгача 3,91 фоизни (йилига) ташкил этди. 1998 йилда хавфсизлик харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 1,54 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилга бориб бу рақам 1,64 фоизга етиши мумкин экан.

Нефть саноатида иш қизғин

Маълумки, ўтган йил 5 декабрдан эътиборан Венесуэла нефть саноати ишчилари Президент Уго Чавес истеъфо беришини талаб этиб эълон қилган иш ташлаши натижасида нефть экспорти тўхтаб қолган ва ҳатто мамлакат эҳтиёжи учун четдан ёнилғи олиб келишга тўғри келган эди. Мазкур иш ташлаш деярли 3 ой давом этди. Февраль охиридан нефть саноатида ҳаёт изга туша бошлади.

Яқинда «Петролес де Венесуэла» давлат нефть компанияси янги раҳбариятининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган мамлакат Президенти Уго Чавес ҳали бирор-бир давлатда нефть компанияси бундай саботажга йўлиқмаганини таъкидлади.

Дарвоқе, иш ташлашда қатнашган компаниянинг 13 минг ходими ишдан бўшатилган. «Новости» агентлиги ахборотида қайд этишларича, улар иш ташлаш оқибатида давлатга келтирган зарари учун суд олдида жавоб беришлари мумкин.

Болалар спорти: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Ўроқ полвон нимани орзу қилган эди?

МАҚОЛА ФАҚАТ БУ ҲАҚДА ЭМАС

Сафга тизилган ўсмирларнинг елкалари тўлишмаган, мушаклари ҳали кучга тўлмаган. Аммо нигоҳлари, завқ-шавқлари... Гўёки парвозга шайланаётган бургутчаларга ўхшайди. Бироздан сўнг кураш бўйича машқлар бошланди.

— Балли. Қўлга эҳтиёт бўлинг. Самбо усулини қўлламанг, — деди мураббий Илҳом Муродов, кейин менга юзланди. — Тўрт йилдан буён болалар билан ишлайман, ўзим жисмоний тарбия институтида сиртдан ўқийман. Ҳозир 60 болага мураббийман. Ким билан суҳбатлашмоқчисиз? Ана, Лазиз ўн уч ёшда, аммо усулларни яхши ўзлаштираяпти. Ўн ёшли икки Шоҳруҳимиз бор. Ҳозир уларни чақираман.

— Курашни бир ярим йилдан буён ўрганаяпман, — дейди Лазиз Омонов. — Вилоят ўсмирлари мусобақасида иккинчи ўринни эгалладим. Ҳали кўп машқ қилишим керак. Курашни ҳеч қачон ташламайман. Бироқ улғайсам, ҳарбий бўлмоқчиман.

— Биз эса милицияда ишлашни истаймиз, — дейишади бараварига Шоҳруҳ Зикриллаев ва Шоҳруҳ Самадовлар. — Олишишни эса яхши кўрамиз. Машҳур полвонлардай бўлгимиз келади. Иккаламиз ҳам Улуғбек номли мактабда ўқиймиз, битта маҳаллада яшаймиз...

Бугун миллий курашимиз жаҳонни забт этди — миллионлар қалбига чўғ ташлади. Юртбошимиз айтганларидек, ўзбек курашига хос мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан ҳалоллик, олижаноблик фазилатлари — халқ руҳиятининг маҳсули. Бу ҳақда тўлиб-тошиб ҳар қанча гапирса оз. Лекин республика «Кураш маркази»нега айнан Шаҳрисабзда тузилганлиги ҳаммани қизиқтириши табиий. Хўш, нега?

Бу саволга бирдан жавоб топиш мушкул. Негаки, миллий кураш Сурхондарё, Бухоро вилоятларида, Қашқадарёнинг бошқа ҳудудларида ҳам қадимдан ривожланган. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин тарихнинг шаҳодат беришича, шаҳри Кешнинг 2700 ёшга тенглиги бу жойда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган бемисл маданият қатламлари борлигини исботлаб берди. Темурийлар даври эса бу силсилани янада юксакка кўтарди. Соҳибқирон бобомиз ўз аскарларини чиниқтирар экан, мардонавор курашни назардан четда қолдирмаган, албатта. Мозий солномаларида ҳатто фил билан курашиб, енгган паҳлавонлар жасорати битиб қолдирилган.

Халқлар қисмати улуғ зотлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ифтихор билан айта оламизки, жаҳон саҳнасига чиқиб, дунёдаги энг севимли машғулотга айланиб бораётган миллий курашимизнинг аъмоли, обрўси, тараққиёт қадамлари Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир.

Очиғи, бунинг ўз ривожланиш босқичлари бор. Хусусан, 1991 йилда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Ўзбекистон полвонларининг миллий кураш бўйича халқаро мусобақаси айнан Шаҳрисабз туманининг энг сўлим гўшаси — Мироки бош қўрғонидаги Сулаймон Муродов номли мактабнинг спорт мажмуасида ўтказилганлиги катта воқеа бўлганди. 1992 йилда Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳам Шаҳрисабзда ўтказилди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан спортчилар қатнашган мусобақада Президент соврини қўйилди ва унга шаҳрисабзлик моҳир курашчи Абдуқодир Пирматов сазовор бўлди. Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган халқаро мусобақада ҳам хорижлик спорт усталари қатнашди. Демак, ҳақли равишда Шаҳрисабз миллий курашимиз ривожида муҳим ўрин тутганини эътироф этмоқ лозим.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майда «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва унга илова этилган давлат дастурида айнан Шаҳрисабзда болалар ва ўсмирлар спорт мактабига эга бўлган республика «Кураш маркази»ни тузиш алоҳида кўрсатиб ўтилди. Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2000 йил 20 майдаги қарори билан ана шундай марказ ташкил этилди. Уни молиялаштириш, керакли шароитни яратиш вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси зиммасига юклатилди.

— Ишлаш оғир бўлишини билардим, — дейди «Кураш маркази» директори Карим Аминов. — Чунки мен анча йил Шаҳрисабз шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида раҳбарлик қилганман, ҳар қандай янги ишнинг масъулияти катта бўлишини тажрибамдан кўрганман. Шунга қарамай... Рости, қийналдик. Жой масаласи кўндаланг турарди. Тумандаги 227-сонли қурилиш ташкилотининг мажлислар залини ижарага олдик.

2002 йил декабрда Тошкентда ўтказилган «Маҳалламиз полвонлари» мусобақасида мен Қашқадарё вилоят жамоаси раҳбари эдим ва биринчи совринга сазовор бўлдик. Ана шу мусобақада иштирок этган 10 нафар курашчининг 4 таси бизнинг тарбияланувчиларимиз эди. Бош совринни менга топширар экан, севимли шоиримиз Абдулла Орипов «ишни бўшаштирманг, юртга кўп истеъдодли спортчилар керак», дедилар. Бу — юрагимиздаги гап. Ҳозир 446 нафар курашга иштиёқманд бола дарслардан кейин машғулотларга қатнаяпти. Талабгорлар 600 дан ошиб кетган.

Дарҳақиқат, марказга яхши мураббийлар жалб этилган, тарбияланувчилар ҳам саралаб олинмоқда. Бироқ ҳукумат қарори билан қўйилган вазифаларни бажариш учун бу жойда шароит етарли эмас. Аввало, қурилиш ташкилоти ижарага берган бино спорт машғулотлари учун мослашмаган. Тренажёр, ҳар хил спорт ашёларини қўяверинг, ювинишга ҳам шароит яратилмаган. Айниқса, оҳори тўкилган, яроқсиз аҳволга келиб қолган «кураш гилами» ҳақиқий аҳволни кўрсатиб турибди.

Шу аснода мен миллий курашимиз ривожи учун ўзини фидо қилган инсонлардан бирини эсладим. Тумандаги Амир Темур номли хўжаликда узоқ йиллар бригадага етакчилик қилган Ўроқ полвон Ҳотамов ёшларнинг севимли устози эди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган Ўроқ ака махсус қисмда қўл ва самбо кураши усулларини обдон ўрганган экан. Урушдан қайтгач, деҳқончилик қилди, тўйларда кураш тушди. Алпқомат бу киши ўзини эмас, ёш полвонлар, уларнинг келажагини ўйларди. Елибюгуриб, «кураш гилами» тополмагач, гимнастика «кўрпачалари» сотиб олди ва ўзи бошлиқ бригада шийпонини машқ залига айлантирди. Ўнлаб довруқли полвонлар унинг шогирдлари эди. «Кураш маркази» мураббийлари билан ана шулар ва бошқа муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

Мансур ЭРКАЕВ, спорт устаси: — Ўроқ полвон билан ҳамқишлоқмиз. Раҳматли оламдан ўтиб кетди, бироқ унинг шогирдлари, бошлаган иши қолди. Ҳозир ҳам ёшлар у кишидан қолган гимнастика «кўрпачалари»ни ташламай, машқ қилиб юрибди. Бугун ҳам фидойилар оз эмас, лекин кўплаб муаммолар маблағга бориб тақалади.

Райим АБДУЛЛАЕВ, мураббий: — Дардни айтмасанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Мен бу жойдан ташқари, 3-қурилиш ташкилотига қарашли спорт залида 100 га яқин болага ҳам кураш сирларини ўргатаяпман. Машқ давомида лат емаслик учун пол устига қипиқ сепиб қўямиз. Мана, сизга шароит! «Кураш гилами» бўлмаса, барча усулларни ўргатиб бўладими?

Олим ЯРАТОВ, мураббий: — Ҳар бир машғулот таълим стандартларига мос равишда ўтказилиши лозим. Бунга иконият борми? Йўқ. Қачон бўлади — бу ҳам номаълум.

Холбобо ОВЛАҚУЛОВ, Республикада хизмат кўрсатган спорт устози:

— Айтилган фикрларнинг барчаси ҳақиқат. Кўплаб муаммолар йиғилиб қолганига вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳам айбдор, деб ҳисоблайман. Ж ойлардаги аҳволни яхши ўрганиши керак. Бугун қишлоқлардаги иншоотларни таъмирлаш, шароит яратиш вазифаси қўйиляпти. Улар амалга ошса, моҳир спортчилар янада кўпаяди.

Ўктам КАМОЛИДДИНОВ, Шаҳрисабз туман ҳокимлигида болалар спортини ривожлантириш бўйича етакчи мутахассис: — Билдирилган жўяли таклифлар, мулоҳазаларни инкор этмоқчи эмасман. Аммо вилоятнинг янги ҳокими спортни, жумладан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Яқинда ўтган йиғилишда аниқ вазифаларни ўртага қўйди. Булар ўз натижасини беради.

Демак, Шаҳрисабз шаҳрида болалар ўртасида миллий курашни ривожлантиришга йўналтирилган Республика «Кураш маркази»нинг тузилганлиги давлат дастури талабларидан келиб чиққан.

... Жозибали кураш ҳадисларини меҳр билан ўрганаётган ёш спортчилар ҳузуридан қайтар эканман, яна Ўроқ полвон Ҳотамовнинг бир гапини эсладим: «Шундай кунлар келадики, Шаҳрисабзда курашни ўргатадиган мактаблар очилади».

Машҳур полвон, жонкуяр мураббий бу кунларни кўролмади. Аммо унинг орзулари ушалмоқда. Миллий курашимизнинг Шаҳрисабз мактаби ҳали кўплаб довруқли спортчиларни камолга етказади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФУТБОЛ

«Пахтакор» — «Пирузи»...

AFC CHAMPIONS LEAGUE

9 мартдан буён пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» стадионида Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги босқич баҳслари давом этмоқда



Қитъамизда илк маротаба ўтказилаётган мазкур мусобақанинг «Д» гуруҳи учрашувларида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси билан бирга «Пирузи» (Эрон), «Ал-Талаба» (Ироқ) ва «Ниса» (Туркманистон) футболчилари ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Қуръага кўра, ушбу гуруҳдаги энг кучли жамоа Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалига йўлланма олади.

Гуруҳдаги дастлабки ўйинни пахтакорчилар Туркманистон чемпиони «Ниса» жамоасига қарши ўтказди. Учрашувни кўтаринки руҳда бошлаган ҳамюртларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллашди. Тўпларни футболчиларимиздан Бахтиёр Ҳамидуллаев, Анвар Солиев ҳамда Леонид Кошелевлар киритдилар.

Кейинги босқич йўлланмасига асосий даъвогарлар саналаётган «Пирузи» ва «Ал-Талаба» жамоалари ўртасидаги ўйинда эса эронликлар зафар қучди — 1:0. Учрашувдаги ягона тўп муаллифи Гулмуҳаммади бўлди. Мазкур ўйинда Осиёнинг етакчи клубларидан бири «Пирузи» кичик ҳисобда ғалаба қозониб, кўпчиликни ажаблантирди. Буни матбуот анжуманида жамоа мураббийи Шмидт об-ҳавонинг ноқулайлиги ҳамда «Ал-Талаба»нинг жиддий рақиб бўлганлиги билан изоҳлади.

Бугун гуруҳда навбатдаги тур баҳслари бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» — «Пирузи», «Ал-Талаба» — «Ниса» жамоалари ўзаро куч синашади.

Эркин ХОЛБОБО

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бахт — тилакда эмас, билакда

Вар.: «Кишининг бахти — бел, билаги»; «Бахт йўлда эмас — қўлда»; «Бахт қайда? Ўз қўлингда!»; «Бахтни меҳнатдан изла»; «Бахт қушини ушламоқ учун Бахт овига чиқмоқ керак»; «Бахтли одамни излама, Бахт йўлини изла». Мажозий маъноси: «Қуруқ тилак, орзу-истак, умид билан бахтга эришолмайсан, билагингни ишга сол, меҳнат қил», дейилмоқчи.

Бақани босса ҳам «вақ» этади

Вар.: «Қуйруғини боссанг, сичқон ҳам чийиллайди»; «Боссанг, чувалчанг ҳам қимирлайди». Бир одам бир одамга ҳадеб озор бераверса, бўлар-бўлмасга уни қойиб, камситиб, кесатиқ ва ҳақоратли гаплар қилаверса, у одам аввалига чидаб, тишини-тишига қўйиб, индамай юраверади, аммо бир кунмас-бир кун ахири жонига теккандан сўнг, у ҳам ҳалиги одамга қаттиқ-қурум гапириб, қойиб, сўкиб ташлайди. Мазкур мақоллар шунга ўхшаш ҳолларда ишлатилади.

Бевафо ёр — жонингга дор

Халқимиз яратган кўпгина мақолларда дўст танлашга ниҳоятда эҳтиёт бўлиш, аввал обдон синаб, кейин дўстлашиш, қалбаки, зиён-заҳмат етказувчи, кўз ўнгингда дўст бўлиб туриб, орқангдан душманлик қиладиган бевафо «дўст»ларнинг баҳридан ўтиш, улардан «қўлни ювиб, қўлтиққа уриш» лозимлиги уқтирилади. Юқоридаги мақолда «ёр» деганда «дўст» назарда тутилган. Вар.: «Вафосиз ёрдан жафоли дор яхши»; «Вафосиз йигитдан вафоли ит яхши»; «Бевафо дўстдан таёқ яхши, Бебаҳра гулдан япроқ яхши»; «Вафосиз ҳуснлидан вафоли ҳунук яхши»; «Бевафо чиройлидан вафодор чўтир яхши»; «Вафосизга берилма, Вафолидан айрилма»; «Билдингки, бевафодир, кўнгил қўймоққа нораводир».

Гулисафсарни кўринг — сувга қараб қайрилади,
Бевафо ёрни кўринг — ўлмай туриб айрилади.

(Халқ қўшиғи)

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги «Учқўрғон-ёғ» ОАЖ акциядорларининг 2002 йил молиявий натижаларига бағишланган умумий йиғилиши шу йилнинг 11 апрель куни соат 13.00 да жамият клуби биносида бўлиб ўтади.

Рўйхатга олиш 11 апрель куни соат 10.00 да бошланади

КУН ТАРТИБИ:

1. «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамияти бошқарувининг жамият 2002 йил хўжалик-молиявий фаолияти натижалари юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.

2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.

3. 2002 йил жамият фаолияти якуний натижалари бўйича олинган фойда ва дивидендлар тақсимотини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2003 йилга хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил қилиш учун аудиторни тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Низомини ва бошқарув органлари тўғрисидаги Низомларини тасдиқлаш.

6. Жамият Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви ҳайъатининг янги таркибини сайлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармони талабларидан келиб чиқиб жамият бошқаруви ҳайъати раиси билан 2002 йилда тузилган меҳнат шартномасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

8. Жамият бошқаруви ҳайъати томонидан акциядорлик жамиятининг 2003 йилда иқтисодий ривожланиши бўйича тайёрланган бизнес-режани тасдиқлаш.

«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2003 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси.

(минг сўм)

1. Узоқ муддатли активлар — 522016

2. Оборот активлари — 2753679

Актив бўйича жами — 3275695

3. Ўзлик маблағларининг манбалари — 387890

Шу жумладан устав фонди — 100065

4. Мажбуриятлар — 2887805

Баланснинг пассиви бўйича жами — 3275695

«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий натижалари

(минг сўм)

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум — 8257935

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) — 60750

3. Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) — 70011

4. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) — 8733

Манзил: Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Қурбоналиев кўчаси, 2-уй.

«Учқўрғон-ёғ» ОАЖ Кузатув Кенгаши

ИНТЕР-СПОРТ

Футбол жамоасига аталган миллионлар

Уч йил мобайнида «ЛУКОЙЛ» нефть компанияси «Спартак» футбол клубига аталган ҳомийлик кўмагини 9 дан 15 миллион долларгача етказиш ниятида. Компаниянинг вице-президенти Леонид Федуннинг сўзига қараганда, футбол жамоаси йилига 3 миллион АҚШ доллари олиб туради. Айни пайтда Россия чемпионатида эришилган ҳар бир ғалаба учун спартакчиларга қўшимча миллион доллар берилиши мумкин. Шунингдек, бу футбол клуби лига чемпионлари ва UEFA кубоги учун курашнинг чорак финалига чиқадиган бўлса, яна миллион доллар билан сийланар экан.

Янги жаҳон рекорди



Америкалик енгил атлетикачи Стэйси Драгила лангар билан сакраш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди. Бостон шаҳрида ўтказилган мусобақада Олимпия чемпиони 4 метр 78 сантиметрлик баландликни забт этиб, олқиш олди. Шундай қилиб, Драгила россиялик Светлана Феофановага тегишли жаҳон рекордини 1 сантиметрга янгилашга муваффақ бўлди.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 14,28 март ва 4,11 апрель кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади. Савдоларга якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг эгалик ҳуқуқлари қўйилади:

Шунингдек, 11,18 апрель кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобидаги Бошланғич нархи — 990 286 сўм бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобиль кузови қўйилади.

Танлов савдоларига Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли 264-сонли ва Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16А.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази жамоаси шу марказ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ғофур Абдумажидовга онаси **ҲИКОЯТХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA